



НАВРЎЗ нашидаси

Маълумки, халқимизнинг қадимий байрами — Наврўз шодиёналарини ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар кўриги эълон қилинган эди.

Муносиб тақдирландилар

«Она ва бола» Давлат дастури доирасида уюштирилган мазкур кўриқнинг мақсади — инсоний кадриятларни янада камол топтириш, ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурури мустаҳкамлаш, фарзандларимиз онгига она-Ватанга, буюк аجدдоларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги улкан бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини синдириш, дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибатни улуғлаш, мадания ва тарихий анъаналарни янада ривожлантириш, асрий урф-одатлар ва удувларни эъозлаш эди.

Тадбир доирасида меҳнат ва уруш фахрийлари, ишлаб чиқариш илгорлари, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил этилди, анъаналар ва қадриятларни қайта тиклашга бағишланган тадбирлар, давра суҳбатлари, гурунглр уюштирилди, халқ сайиллари ва ўйинлари, санъат усталари, хаваскор артистлар, аскиячилар ва дорбозларнинг чиқишлари, полвонларнинг беллашувлари, от спорти ўйинлари, пойғалар ўтказилди. Меҳнат ва ўқув жамоаларида, уларнинг маданият муассасаларида «Ўзбекистон — Ватаним» маиним» шиори остида адабиёт, санъат ва хаваскорлик ижодиёти соҳасида шаҳар кўрик-танловининг 1-босқичи ўтказилди.

Шаҳар кўригининг ғолиблари ва фаоллари тармок касаба уюшмаларининг шаҳар кўмиталари тавсия-

сига биноан пойтахт касаба уюшмалари Кенгаши томонидан кечада тақдирландилар. Уларга «Бўстон», «Янги йўл» ва «Хумсон» санаторийларида имтиёзли оилавий йўллари берилди.

Маълумки, Наврўз байрами хайрли ишларни ҳаётга татбиқ этиши билан ҳам янада ардоқли ва файзлидир. Ана шу боисдан кўп болали, кам таъминланган оилаларга, уруш ногиронлари, қатнашчилари ва уларнинг имтиёзлари тенглаштирилган шахсларга ва Чернобыль фалокати оқибатини бартафр этишда иштирок этган фуқаролардан 70 минг нафарига жами 100 миллион сўм миқдоридоги меҳр-муруват ёрдами кўрсатилди. Кўзда тутилган меҳр-муруват тадбирларида 57 минг кишига моддий ёрдам берилди.

«Она ва бола» Давлат дастури доирасида меҳнат жамоаларида хизмат қилаётган 10 минг нафар аёлларни фарзандлари билан мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунларида Наврўз байрами пойтахт музейлари бепул ташрифи уюштирилди.

Шунингдек, меҳнаткашлар, айникса ёшларни пойтахт музейлари ва кўргазмаларига, тарихий ёдгорликлар, спорт-соғломлаштириш масканлари ва сайилгоҳларга экскурсиялар уюштирилди, совғалар тақдим этилди, байрам дастурхони ёзилди.

Улугбек ПЎЛАТОВ

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бажонидил қатнашишди

«Нон-паста» хиссдорлик жамияти жамоаси ҳам пойтахтимизда уюшқоқлик билан давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида фаол иштирок этмоқда.

Корхонанинг ҳар бир ишчи-хизматчиси халқимиз дастурхонига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан биргаликда анъанавий ҳашарларда фаоллик кўрсатишмоқда. Корхона ҳудуди баҳорнинг илк кунларида ноқ тартибда келтирилиб, ишчилар ошхонаси учун зарур бўлган турфа кўчатлар сепилди. Шу кунгача ақратилган майдонга 150 туздан ортқ мевали дарахтлар келтирилиб ўтказилди. Халқимизнинг «Кўчат эк, боғ ярат» деган ажойиб нақлига амал қилиш корхона аҳлининг эзгу ниятидир. Шу мақсадда ўтган йилларда ўтказилган мевали ва манзарали дарахтлар парваришига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг тағлари юмшатилиб, кимёвий ишлов берилмоқда.

— Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш айни муддаодир, — дейди касаба уюшмаси раиси Аваз Ғуломов. — Нафосат ҳамда эзгу ниятлар байрами саналмиш янги кунимиз — Наврўзни ҳамма жойни саришталиб, кўкаламзорлаштириб кутиб олдик. Бу ишда корхонамизнинг барча ходимлари бажонидил қатнашишди.

Дилноза ФИЁСОВА

Сўранг, жавоб берамиз



Менинг турмушга чиққанамга 10 йил бўлади. Тўртта фарзандим бор. Утган йили отам вафот этдилар. Улардан катта уй-жой қолди. Отам уйнинг бир қисмини менга васият қилган эканлар, укам бўлса сенинг улушинг йўқ деб, менга тегишли жойни ажратмапти. Отамдан қолган меросдан улуш олишимга қонуний ҳуқуқим борми?

Ф. Содиқова.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддаларида назарда тутилганидек, қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг аълоллари, бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тараф, туғилган қариндошларига тенглаштирилдилар. Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари, эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар. Ушбу қонундан кўриниб турибдики, меросдан ўз улушингизни олишга ҳаққингиз бор.

Мен сменали ишда ишлайман, кўпинча тунги сменада қолишга тўғри келади. Тунги вақтда ишлашнинг имтиёзлари, иш учун тўланадиган ҳақ тўғрисида маълумот берсангиз.

К. Қобулов.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 158-моддасига мувофиқ тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади. Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томондан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банкдан кредит олмоқчи эдим. Айтингчи, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари қандай тартибда белгиланади?

С. Ахоровов.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига кўра банк операциялари бўйича фоиз ставкалари банкнинг ўзи томонидан мустақил белгиланади. Тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда шартнома асосида аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этган маблағлар ҳисобидан берадиган кредитлар учун фоиз ставкаларининг миқдори кредит шартномаси шартларига мувофиқ белгиланади.

Кейинги пайтларда турмуш ўртоғимда қаттиқ хуррак отиш одати пайдо бўлди. Айтингчи, ушбу зарарли одатдан қутулишимнинг иложи борми?

А. Саидова.

Тил ва ҳалқум мускулларининг бўшашиши кўпинча кишиларнинг хуррак отишига сабаб бўлади. Бу асосан чалқанча ётганда юз берадиган ҳолат бўлганлиги учун хуррак отувчиларга бошқа томонга ўтирилиб ётишлари лозимлигини тавсия этамиз. Баъзан гайморит хасталигида буруннинг тўлиб қолиши ҳам хурракка сабаб бўлади. Бунда қаравотнинг бош томони озгина кўтарила хуррак тўхтайд.

Жавоблар ҳуқуқшунос Ғайрат АБДУҚОДИРОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонида қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Қайси тоифага мансубсиз?

Ўтган асрнинг 60-йилларида америкалик олимлардан Менер Фридман ва Рэй Роузнамин инсоннинг қизиққонлиги, унинг саломатлиги даражасига боғлиқлигини кўрсатувчи шахс турларини таснифлаш усулини ишлаб чиқишганди. Катъиятди, ўз нуқтаи назарини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга ҳаммиша шай турган одам А тоифасига киради. Унинг юрак хасталиги билан оғриш эҳтимоли анча. Эринчок, танбал одамлар тоифасига кирувчи шахсларга нисбатан икки баравар кўп экан.

Куйида келтирилган тест сўровларига ҳолис жавоб берсангиз, унинг натижасидан ўзингизнинг қайси турдаги одамлар тоифасига киришингизни билиб оласиз. «Ҳа» деб жавоб берадиган сўровлар тағига чизиб чиқинг.

1. Сизда ўзингизни қайтара олмайдиган даражада биров

билан жанжаллашиш истаги пайдо бўлиб турадими?

2. Дарғазаблик, бетоқатлик ва тутоқиб кетадиган ҳолатларга

осонликча тушиб қолишингиз мумкинми?

3. Йўлингизда учрайдиган кишиларга нисбатан ўзингизни кўпол ёки тажовузкор ҳолатда тутасизми?

4. Навбатда туришларга тишингизни тишингизга қўйиб, зўрга чидайсизми?

5. Шовқин солиб гаплашасизми? Эҳтимол, сиз одамларнинг гапларини бўлибгина қолмай, улар аййтиши керак бўлган ибораларни ўзингиз айтиб қўяоларсиз, баъзан эса улар ҳимоя қилиб бермоқ-

чи бўлган у ёки бу воқеани ҳам ўзингиз айтиб бериб, суҳбатга нуқтани ўзингиз қўярсиз?

6. Сиз чекасизми?

Натижани қараб чиқамиз: Мабодо, сўровларнинг ярминдан кўпига «Ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз — унда сиз А тоифасидаги одамлар сирасига кирасиз. Саломатлигингизни яхшироқ асраб қолишни истасангиз — ўзингизни ўзингиз тинчлантиришни, атрофдаги воқеаларга хотиржамроқ қарашни одат қилишингиз шарт.



Узоқ яшаш
сирлари
•
Юзингиздан
табассум
аримасин

Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади.

Юсуфжон қизик ШАКАРЖОНОВ.



БИР САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

Кулиш осонми ёки кулдириш?

Мана, аини муборак Наврўз айёми кунларида, 1 апрель муносабати билан халқимизнинг таниқли кулги усталари «Кулиш осонми ёки кулдириш?..» деган саволларимизга ўз фикрларини қуйидагича баён қилдилар:

Эргаш КАРИМОВ,

Ўзбекистон халқ артисти:

— Аввало кулгу ҳақида гап кетганда айтиш мумкинки, кулгу бу инсоннинг бахтиёрлиги, қувончу шодлиги белгиси. Қалби пок, кўнгли очик самимий инсонларни кулдириш осон. Кулдирадиган одам бўлса, албатта кулгу, қаҳқаҳа бўлади. Лекин кулмайди, ўта жиддий, кўнгли хира одамларни минг уринманг кулдириш кийин. Бир куни қизқичлар таловида хайрат аъсоси бўлиб иштирок этганимда, бир одамни кузатганман. Бутун зал юракдан, самимий кулган, лекин шу одам томошанинг бошидан охиригача бирон марта бўлса ҳам кулмаган. Жуда хайрон қолганман. Шундай одамлар ҳам бор экан-да.

Менимча, кулиш осон, кулдириш кийин. Одамлар бир хил бўлмаганидек, уларнинг феъл-атвори ҳам ҳар хил. Кулги усталари, сўз усталари ҳам ҳозирги кунда жуда кўп. Уларнинг ҳаммасига бир хил баҳо бериб бўлмайди. Томошанини кулдириш учун янги фикр, янги юморларни қидириб топиш, одамларни ҳам ишонадиган, ўзи ҳам ишониб, юракдан гапириш керак. Одамлар кулгига муҳтож, лекин уларни кулдириш осон эмас. Мана, ҳозирги кунда кўплаб ёш талантлар, кулги усталари етишиб чиқмоқда. Уларнинг келгусида таниқли кулги даргалари, буюк санъаткорларимиз изидан бориб, халқимизга олам-олам шодлик, қувонч ва бағараз кулгулар ҳада этиб юришларини истардим.

Бахтиёр ИХТИЁРОВ,

Ўзбекистон халқ артисти:

— Одамларнинг кулгуси юртининг ободлигидан, тинчлигидан. Даврадаги бағараз кулгулар ҳаммининг қилини иситида. Кулгудан одам яшаради. Албатта яхши ният билан кулиш жуда осон. Кулдириш қийин масала. Юмор ва сатирага бой фильмларимиз «Мафтунингман», «Ер-ёр» каби халқимиз севиб томоша қиладиган фильмлар юз йилда бир келса керак. Бу фильмларни кўргандаги кулгулар жуда қимматли кулгулар. Халқни юракдан кулдириш мушкул. Бунинг учун катта маҳорат, катта тажриба, қобилият керак бўлади. Дидли, ҳам жиддий кулдириш кийин, бачкана, арзон кулдириш осон.

Бир куни чумоли филни севиб қолганини отасига айтибди. Шунда отаси:

— Нималар дейсан. Ахир филга турмушга чиқсанг, мабодо фил ўлиб қолса, бутун умр уни кўмиб яшайсанми?! — деган экан.

Устоз санъаткорларимиздан Сойиб аканинг шундай бир роллари бор эди. «Сойиб акани кўнглига ёқмайдиган бир одам ҳар куни эрталаб йўлда учраб қолиб: «Қалайсиз?» — деб сўрар экан. Сойиб ака уч кунгача бо оданинг саволига «отдекман» — дея жавоб бериб ўтибдилар. Тўртинчи куни ҳалиги одам Сойиб акага:

— Нега ҳадеб, «Отдекман, отдекман» деяверасиз — деган экан, Сойиб ака:

— Ҳа, нима, эшакдан от яхши-да! — деб жавоб берган эканлар.

Кулги ҳамиша бор бўлсин, ҳар бир инсоннинг чеҳрасида ҳам, қалбида ҳам бағараз, самимий, бахтиёрлик кулгулари уйғонсин.

Тўтмурад АЗИЗОВ,
кулгу устаси.

— Кулгу умрни узайтиради. Инсон учун кулгунинг фойдаси жуда катта. Ҳадеб майда-чуйда нарсаларга асабийлашавериш, тажаниб бўлиб, хурсандчилик, кулгунини, ҳазил-мутойибани ёқтирмайдиган одамлар ўз саломатликларига зиён қиладилар. Менимча кулиш осон. Кулдириш осон эмас. Агар кулдириш осон бўлганда ҳамма кулдирадиган одам бўларди. Кулги одамлар учун осон, кулдирадиганлар учун мушкул. Бу кўшиқчи санъаткорларга ўхшаб тайёр шёърни кўшиқ қилиб айтиш эмас, бастакорнинг мусикасига озгина овоз бўлса кифоя, кўшиқ тайёр. Томошанини юракдан кулдириш учун катта санъат керак. Агар кулдирилмаса унга «замбил» керак бўлади ҳолос, уни сахнадан олиб чиқиб кетиш учун.

Бир куни концертда кулгу усталаридан бири гапириб, бутун зални кулдирибди. Аммо эшик олдида бир одам тик турганча қовоғи солиқ, ҳеч кулмасмиш. Чунки у одам хотинининг зўри билан ноилож оиласи учун бешта чипта сотиб олиб, томошга келган. Шунча пули кетганига ачиниб, қулломай, даргазаб турган экан.

Ҳа, ҳеч ким бундай ўзини мажбурлаб, ихтиёрсиз томошаларга тўшмаслиги керак.

Дилором ИКРОМОВА ёзиб олди.

Рассом хандаси



Сўзсиз сурат.



Изоҳнинг ҳождати йўқ.



— Дўстлар, бугун бир-бирларингизни танқид қилсангиз бўлади.

Абурашул Ҳакимов чизган расмлар.

Шарқ дурдоналари



• Ҳовлиқош, шошилиш — пушаймонликнинг синглиси. Шошма-шошарлик пушаймонликдан ажралмайди. Шошилиш бўлган ерда надомат ҳам бўлади. Шошма-шошар бўлмасанг, муродинг осонлик билан ҳосил бўлади.

• Улфат ва муҳаббатнинг шарти тақаллуфсиз бўлишдир.

• Нодоннинг дўстлиги кулфат ва машаққатдан ўзга нарса ҳосил этмайди.

• Ўз мартаба ва даражасини билмаган, ўзини ҳаммадан юқори тутган киши — эътибор ва илтифотдан соқитдир. Ҳеч ким уни кўзга илмайди.

• Очик ва мулоимлик билан сўзлаш қаҳр-ғазабли кишининг ғазаб ўтига сув каби таъсир қилади, яъни сув ўрни ўчиргани каби мулоим сўзлаш ҳам ғазабли кишининг аччиғини пасайтириб, кўнглини юмшатади.

Байт:

Ҳамма одамга сен яхши қилиқ қил,

Тилингни хуш, чиройингни илиқ қил.

• Қаҳр-ғазабни енгган киши келгуси истироҳатини таъмин этади.

• Шайх Саъдий айтди:

— Йигитлик ёшимда зўр куч-қувватга эга эдим, ўзимдан кичик ва кучсизларнинг қўлларини қайириб, дилларига озор берардим, ҳамма мендан безган эди. Ниҳоят бир кун ўзимдан қувватли кишининг муштини едим. Шундан кейин ҳеч кимга зўравонлик қилмадим. Эй ўғил, кучим бор деб зўравонлик қилма, ҳеч кимга жабру жафо айлама. Агар зўравонлигининг давом эттирсан бир кун зўравонликнинг қандай кўнглисиз натижани берганини кўрасан.

Байт:

Чоҳ қазиса бировга биров эй ёр,

Унга ўзи йиқилур деган масал бор.

• Арасту ҳақим айтди:

— Маишатга кифоя этарлик давлатга эга бўлган киши ундан ортиқчани талаб қилмасин, беш қўлини оғзига тиккан киши бениҳоят қайғу-аламларга гирифторм бўлади.

• Машҳур олимлардан Жамолиддин Мухаммад айтди:

— Бир бой киши хизматкорига ўзининг зийнатли асбоблари, насл-насабини сўзлаб, улар билан мақтанди. Бойнинг сўзларини хизматчиси рад қилиб, шундай жавоб берди:

— Сиз чиройли қимматбаҳо кийимлар кийиб, ўзингизга зеб бергансиз, у зийнат сизда эмас, кийимлардадир. Минган отингиз билан мақтансангиз зийнат, қомиллик сўзда эмас, отингиздадир. Ота-боболарингиз фазилатлари билан оғзига қилсангиз, у фазилатнинг эгалари — улардир, сиз эмассиз. Агар фазилатларнинг эгалари ўз ҳақларини қайтариб олсалар, сизга ҳеч нима қолмайди. У фазилат сизга ўтмагани сабабли қайтариб олишининг ҳождати ҳам йўқ. Бошқаларнинг зийнатлари билан зийнатлана олмайсиз. Хулқ-атворингизни тузатинг, фазилатли бўлинг. Мана бу ўз зийнатларингиз бўлади. У вақтда ўз зийнатингиз билан ифтихор этишга ҳақли бўласиз.

Байт:

Кутма дардинга даво, пасткаш, қурумсоқ

кимсадан,

Ким чиён ниши билан олғай оёқлардан тикан?

• Халқнинг муҳаббатини молу дунёингиз билан эмас, балки одоб, тарбиянғиз, хушмуомалангиз билан ўзингизга жалб эта olasиз.

• Биров сизга ишониб бирор нарсани омонат қўйса, унинг молига хиёнат қилманг.

• Бошқалар ёнида бировга айбларини айтиб насиҳат қилиш — уни ўзгалар олдида уялтириш демакдир. Шунинг учун холи жойда насиҳат қилиш керак.

Байт:

Бу пандимни эшит, фарзанди содик,

Билиб иш қил насиҳат мувофик.

Сенга ким ишониб, топшириб қўйса омонат,

Эсанг доно унга қилма хиёнат.

ҲИКОЯТ. Донишмандлардан бири ўғлини тикиштириб овқат ейишини таққилади. Ўғли айтди:

— Эй отажон, очлик одамни ўлдирди, тўқ бўлиб ўлиш очлик ҳолда яшашдан яхшироқ эмасми?

Отаси айтди:

— Эй ўғлим, ўртача овқат ейишга одат қил, тикиштириб овқат ейиш беш қўлни оғизга тиккан очкўздан фарқ қилмайди. Очкўз кишини эса ҳар қадамда ҳалоқат қутади. Е-и, аммо исроф қилма, шу насиҳатга амал қилсанг, умринг узун бўлади.

ДИЛ ИЗҲОРИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан таниқли шоир ва драматург Хайдар Муҳаммад (Хайдархон) Муҳаммадлиевнинг ижодий фаолиятига бағишланган жажжигина бир буклет-китобча қўлимга тушиб қолди. Уни аста варақлар эканман, шоир ва драматургнинг ижоди нақадар серқирра эканлигига тасаннолар айтдим ва кўнглимга ана шу камтарин ва ҳоқисор ҳамда бахтли ижодкор фаолиятдан муҳтарам «Оқшом» муштарийларини ҳам хабардор қилгим келди...



Серқирра ижодкор

Хайдар Муҳаммаднинг ушбу ижодий сарҳисобини варақлар эканман унинг қаламига мансуб бўлган драматик асарлари пойтахтимиздаги театрлардан ташқари мамлакатимизнинг вилоятларидаги деярли ҳамма мусикали драма театрларида сахналаштирилганлигига гувоҳ бўлдим. Бундан ташқари Хайдар Муҳаммад қаламига мансуб бўлган драматик асарлар кўшини Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларининг театрларида ҳам намойиш этилгани ана шу китобчада қайд қилинган эди.

«Хотинлар «гап»идан чиққан хангома», «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Кўёвлар конкурси», «Ҳар кимки вафо қилса...», «Сиздан угина, биздан бутгина», «Кўнгил — чинни пиёла»... Бу драма асарларининг ҳаммаси Хайдар Муҳаммад қаламига мансуб бўлиб, унинг элга танитди. Шунинг айтиши керакки, республикамиз ва кўшни давлатларнинг театрларида Хайдар Муҳаммаднинг 25 та драматик асари сахналаштирилган, 4 та фильм асарлари асосида суратга олинган, 8 та китоби чоп этилган, кўплаб публицистик мақолалари долзарб мавзуларда қаламга олинган. Хуллас, унинг қаламига мансуб бўлган асарлар ўзбек адабиёти ва санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шоир ўз шеърларидан бирида «Нурдан нарвон ясаб, бахт юлдузига» деган сатрларни қайд қилади. Бинобарин, унинг номини эларо машҳур қилган ҳам шоирнинг кўшиқлари дейишди. Халқимизнинг Фахриддин Умаров ва Тавakkал Қодиров, Раъно Шарипова ва Насиба Абдуллаева, Қобилжон Ҳуснов, Икромжон Бўронов ва Ёркиной Ҳотамова сингари санъаткорлари унинг кўшиқларини севиб ва катта маҳорат билан ижро этганлар. Кўшиқ шинавандлари «Этибор қилмас эканман, шунчалар дилбармисан?», «Езган хатинг қўлимда», «Соғинмадингми интизорингни?» сингари унинг қалб қўри билан ёзилган оташин мисралари асосида яратилган дилбар кўшиқларни радио тўлқинлари ва «ойнаи жаҳон» орқали тинглаб ва томоша қилиб келишмоқда. Хозирги пайтда Хайдар Муҳаммаднинг 250 га яқин кўшиги Ўзбекистон радиосининг олтин фондига сакланган. Адибнинг кўнгинга сахна асарлари республика ва Умумевропа танловларининг ғолибидир. «Ипак гиламлар», «Навой бир кунини», «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Жиноят устида ушлансин» сахна асарлари ушбу фикримизга далил бўла олади. Шунингдек, «Гулшан аро», «Йўлинг топсам», «Тўй таронаси» сингари шеърлари ҳам танловларда ғолиб деб эътироф этилган.

Хали биз юқорида Хайдар Муҳаммадни серқирра ижодкор деб атадик. У нафақат шоир ва драматург, балки истеъдодли таржимон ҳамдир. Унинг таржимасида Озарбайжон драматурги Анорнинг «Занжир эки қиёфалар», туркман драматурги Х. Мухторнинг «Неварали келин», бошқирд драматурги Ф. Богдановнинг «Тунги меҳмон» спектакллари пойтахтимиздаги Муқимий ва Ҳамза номли театрлар-

да, Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номли театрда муваффақият билан намойиш этилган. Хайдар Муҳаммаднинг том маънодаги бахтли ижодкорлар сирасига кириштиш мумкин. Бунинг боиси шундаки, унинг пьесалари асосидаги спектаклларда халқимиз ардоғидаги Саъдихон Табибуллаев ва Икром Болтаева сингари атоқли санъаткорлар роллар ижро этишган. Яйра Абдуллаева ва Ёқуб Аҳмедов, Маҳмуджон Ғофуров, Суръат Пўлатов, Наима Пўлатова сингари эл севган актёрлар рангбаранг образлар яратишган.

Ха, чиндан ҳам Хайдар Муҳаммад ўзбек театри санъати ва кўшиқчилигининг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаятган серқирра ижодкордир. Шу ўринда унинг қаламига мансуб бўлган «Кўнглим менинг», «Олчанининг туғилган кунини», «Йўлларинг муштоқиман», «Ипак гиламлар» шеърини ва драмалар тўпламларини алоҳида таъкидлаш керак. Санъаткорлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Мелиса»дан Соҳибқирон»гача тўплами, шеърлари, ҳажвиялари, драмалари жамланган «Ҳазилкаш шоҳ» сайланма тўплами ҳам китобсеварлар қўлига бориб теккан. «Хотинимнинг уруғидан ўргилай» номи остида «Езувчи» наشريёти томонидан чоп этилган ҳажвияларини ўқиб унинг сатира ва юморга ҳам бой ижодкорлигига тан берасиз. Ва ниҳоят, ўтган йили Фаҳур Фулом наشريёти томонидан чоп этилган «Сойиб Хўжаев хангомалари» китоби эса кўлги дарғаси Сойиб Хўжаевнинг ҳаётидаги қизиқ ва қайтарилмас воқеа ва ҳодисаларга бағишланган. Бу китоб ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди.

...Эрталаб ишга ошиқаятган эдим. Радиодан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўроновнинг бундан бир неча йиллар муқаддам айтган «Тоғлик қиз» кўшиги янграй бошлади. Унга Ўзбекистон халқ артисти Абдуқошим Исмоилов мусика басталаган. Шеър муаллифи эса Хайдар Муҳаммаддир. Бу кўшиқни бир неча йиллардан буён эшитсакда, радиодан ҳар гал таралаётган пайтда уни яна жон қўлогимиз билан тинглаймиз. Чунки мисралар раван, мусика киши қалбига етиб боради, кўшиқчининг ижроси ҳам рисоладагидек. Бинобарин, кўшиқчи шоир ва драматург Хайдар Муҳаммаднинг киши қалбини ром қиладиган ва ҳузур бағишлайдиган бундай кўшиқлари сони ҳали айтиб ўтганимиздек 250 дан зиёда ташкил этади.

Табарруқ ёшли тиниб-тинчимас ижодкор, таниқли шоир ва драматург, беш фарзанднинг, ун нафар набиранинг отаси ва бобоси бўлган, меҳрибон ва дилкаш инсон Хайдар Муҳаммад ҳамон изланишда. У яқинлашиб келаятган Мустақиллик байрамининг 10 йиллигини ижодада муносиб ютуқлар билан кутиб олишни қалбига жо қилган. Биз ҳам Хайдар Муҳаммадга унинг дилдаги орзулари ижобат бўлишини чин дилдан тилаб қоламиз.

Солиҳ ЁҚУБОВ
СУРАТДА: шоир ва драматург Хайдар Муҳаммад оила даврасида.

Узук воқеаси

Абу Али ибн Синони чақалоқлигида чўмилтираётганда онаси қимматбахо узугини йўқотиб қўйган экан. У узугини кўп қидирди-ди. Лекин ҳеч қаердан топа олмабди.

Кейин уни қанзак олган, деб гумон қилиб, бечора қанзакни роса қалтаклашибди. Қанзакни уришаётганда Абу Али йиғлай бошлабди, қалтаклашдан тўхташса, чақалоқ ҳам йиғидан тўхтабди. Ҳамма бундан ажабланиб, узукни йўқолдига чиқаришибди.

Абу Али тилга кирганида, биринчи айтган гапи шу бўлибди: — Сизлар ўша вақтда қанзакни ноҳақ урган эдинглар. Онам мени чўмилтираётганида, узуги тоғорага тушиб кетган эди. У тоғорани ағдарганида узук ҳам сув билан бирга кир ўрага тушиб кетган. Менинг тилим чиқмаганидан, сизларга айтолмаган эдим. Қанзакни урганнингларда йиғлаб, тўхтаганларингизда йиғидан тўхтаганимнинг сабаби шу эди.

Шундан кейин ўрани қавлашган экан, узук тоғилибди. Бу воқеани эшитгану билганлар Абу Али ибн Сино зехнига қойил қолишган экан.

Дилдора СОДИҚОВА

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Диагональ бўйича ўннга: 1. Зеб-зийнат буюмлари тайёрлашга ишлатиладиган қимматбахо тош. 2. Абдулла Каҳҳор ҳикояси. 3. Шифобахш ширинлик. 4. Узоқ шарқдаги дарё. 5. Дурдгорлик асоби. 6. Газ мода. 7. Сирдарё ирмоғи. 8. Давра кўшиғи. 9. Математик ҳисобнинг ҳар бир тури. 10. Кучли портловчи қурол. 11. Йирик йирткич. 12. Ижод маҳсули. 13. Қадимда Европада қўлланилган ҳисоблаш асоби. 14. Яман Республикаси пойтахти. 15. Қора денгиз билан туташган сув ҳавзаси. 16. Аъло сифатли, соф нарса. 17. Ижодкор.


Диагональ бўйича чапга: 1. Ёввойи ўт. 2. Электрод. 3. Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» романи қаҳрамони. 4. Қозоқ муомтоз шоири. 5. Ассон Даргоннинг яшовчи халқ. 6. «Шашмақом» таркибидagi куй. 7. Ширасидан дори тайёрланадиган қалин баргли жануб ўсимлиги. 8. Отулов абзали. 9. Араб алифбосидаги ҳарф. 10. Мусиқа асари тури. 11. Кислоталар билан ўзаро таъсир қилиб туз ҳосил қилувчи бирикма. 12. Саратон ва Сунбула ораллиғида жойлашган бурж. 13. Шарқ муомтоз шеърлигидаги вазн. 14. Хиндистонда ҳукм сурган Бобурийлар давлати маркази. 15. Тонг ёришган пайт. 16. Сув йўли. 17. Тантанали кун.

Муаммонома

Очкин сўзлар: 1. Давлат рам-ларидан бири — 6, 2, 22, 12, 11, 23. 2. Қувурдан юқори томон отилиб қичувчи сув — 20, 2, 21, 21, 11, 12, 2. 3. Табиий фан — 16, 1, 9, 13. 4. Африкадаги пойтахти хар-тур ҳисобланувчи мамлакат — 15, 5, 3, 2, 8. 5. Куннинг ярми ўтган пайт — 18, 17, 4, 1, 8. 6. Истеҳкомлар билан таъмин-ланган шаҳар — 23, 2, 7, 14, 2. 7. Уйғуннинг табиат манзаралари ифодаланган шеъри — 19, 11, 8, 10.

Энди очкич жавоблари асо-сида шакл атрофи ва маркази-даги рақамларини ҳарфлар билан алмаштириб муаммо нома-ни ҳал этинг. Улардан икки мисра қимматни ўқийсиз. Шакл марказида ана шу ҳикмат муал-лифи аён бўлади.

Тузувчи
Фозилжон ОРИПОВ



Газетанинг 16 март сониди чиққан бошқотирманинг жавоблари:

1. Китоб. 2. Бўз. 3. Зар. 4. Робот. 5. «Тўтинома». 6. Ассон. 7. Нон. 8. Нух. 9. Ҳадис. 10. Самандар. 11. Пегар. 12. Рух. 13. Ҳаж. 14. Жануб. 15. Барометр. 16. Радар. 17. Ром. 18. Мис. 19. Солик. 20. Қўйпечак. 21. Қошин. 22. Нур. 23. Рим. 24. Мохора. 25. Аргус. 26. Сой. 27. Йод. 28. Денецк. 29. Зардўз. 30. Зум. 31. Мот. 32. Татаббу. 33. Узук. 34. Котиб. 35. Бағаз.

Муаммонома
Одам бўл, одамга одамийлик қил,
Одам деган отни, мақтовни ол.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНААР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳама — 2 ёқона таъриф олинган
бесилари. Қўриқ бичими А-3

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақам билан уйқатта олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига
муражат қилишнинг мумкин.

Газета: «Тошкент оқшом»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифиланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.